



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 4 апрел, сешанба №48 (880)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Курултой олдидан

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОЗОР ШАРОИТИДА

**Бозор шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш касабга уюшмаларнинг асосий вазифаларидандир. Зеро, унумли меҳнат ва баракали маош - ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситасидир. Ҳозирги кунда банкротга учраган корхоналарни тугатиш натижасида ишдан бўшаган ходимларни қайта ўқитиш ва бошқа касбларга тайёрлаш масаласи алоҳида диққат марказида.**

Ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришда касабга уюшмалари йўналиши ва фаолият механизми аниқлаб олиш бағоят муҳим. Масалан 1999 - 2000 йиллар орасида 388 та йирик объектни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш кўзда тутилган. Демак, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, санацянга тушган ва банкротлик арасида турган корхоналар ходимлари ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги иш услубини давр ўртага қўйиб, талаблар асосида такомиллаштириш лозим. Бойси ханузгача ходимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам онгида иш ҳақи ва иш жойларини сақлаб қолиш масалалари биринчи ўринда туради. Холбуки, касабга уюшмалари аввало соғлом, ҳафш-ҳатарсиз меҳнат шароитини яратиш тўғрисида қайғуришлари керак.

иш билан таъминлашди. Бу муаммо касабга уюшмаларини ташвишлантормаслиги, ўйлантормаслиги сира мумкин эмас. Бу масала Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Наманган вилоятларида айниқса, кўзга аққолроқ ташланади. Диққатимизни тортганидан жойи шуки, рўйхатга олинган ишсизларнинг ҳар бештадан биттаси - умумтаълим мактабларини энди битирган ёшлар, 65-70 фоизи қишлоқ аҳолиси-дир. Шу ўринда ўринли савол туғилиши мумкин: хўш, нима сабабдан касабга уюшмалари ишсизлик муаммолари билан шуғулланиши керак? Ахир у аҳолининг асосан ишлайдиган қисмини бирлаштирадими-ку?! Мақсад - ёлланма ходимларнинг амалдаги иш ҳақи оширилишига эришиш. Агар меҳнат бозорига ишчи кўчининг тақлифи унга бўлган талабдан бир неча баробар кўп бўлса, бу ҳолда касабга уюшмаларининг иш ҳақини ошириши йўлидаги барча савий-ҳаракатлари зое кетади. Бахтга қарши айрим тармок касабга уюшмалари раҳбарлари буни тушунишмаяпти. Улар ходимларимиз иш ҳақини оширсак бас, меҳнат бозоридagi вазиятнинг бизга ҳеч қандай дахли йўқ,

деб ҳисоблашмоқда. Лекин унутмайликки, ишсизлик муаммоси ҳар қандай, ҳатто энг яхши ҳисобланган тармок ходимлари даромади-га ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод бўлишларига олиб келувчи банкротлик жараёни, корхоналарнинг тугатилиши ҳам меҳнат бозорига салбий таъсир ўтказмоқда. 1999 йилда банкрот деб эълон қилинган корхоналар сони 995 тага етди. Банкротлик бозор муносабатларига ҳос ҳолис бир жараён бўлиб, бусиз ривожланиш бўлмаслигини яхши англамоғимиз даркор. Лўнда ифодалаганда, банкротлик иқтисодий организмни соғломлаштириш учун бир аччиқ дори-дир. Аммо баъзи корхона раҳбарларининг укувсизлиги, ношудлиги, совуққонлиги туфайли ҳам банкротлик юз бермоқда. Агар 1998 йилда ҳўжалик судлари банкротлик ҳолатига олиб келганидан унчун мансабдор шахсларга нисбатан 52 та жиний иш кўзгаган бўлишича, 1999 йилда бу кўрсаткич 95 тага етди. Бу ҳали жойлардаги айрим касабга уюшмаларида изчиллик, камчиликларга нисбатан муросисизлик талаб даражасида эмаслигини кўрсатади.

Жиззахда «Ташаббус-2000» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Ғаллаорол туманидаги «Лалмикор Ш» савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Анора Абдусалимова - «Энг яхши тадбиркор», Арнашой туманидаги «Ло-

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

чин» фермер ҳўжалиги раҳбари Рустам Ўтабоев - «Энг яхши фермер», Ғаллаороллик Абдураим Ғайбуллаев - «Энг яхши хўнаранд» деб топилди. Ғолиблар республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

## ТАҲЛИЛ НИМАНИ КўРСАТДИ?

Ўзбекистон Прокуратурасида Республика идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашининг мажлиси бўлди. Бш прокурор ўринбосари Б.Бекмирзаев бошқарган ушбу мажлисда прокуратура идоралари томонидан мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасаларида соғлиқни ва мулкни сақлаш тўғрисидаги қонунларнинг ижроси, инсонпарварлик ёрдамнинг тақсимланиши ҳамда ишлатилишининг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама этилди.

Мажлисда бугунги кунда республикамизда аҳоли сихат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳали бу борда талайгина камчиликлар борлиги таъкидланди. Текширишлар шуни кўрсатадики, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасалар раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида»ги Қонунда белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилмаган, бу борда зарур ишлар етарлича ташкил этилмаган, одамларнинг соғлиқни сақлашга доир давлат томонидан қабулланган ҳуқуқлари тўлақонли таъминланмаган. Хусусан, ўтган йили республика бўйича ҳар юз минг кишининг қирқ минг нафари касалланган. 1998 йили бу кўрсаткич 40,3 мингга ташкил этган. Бу эса, аввало, касалланишнинг олдини олишга доир тизим муассасаларининг пролактик ишларини сусти йўлга қўйилганлигининг оқибатидир.

Республикада эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш бўйича ҳам амалга оширилаётган ишларда камчиликлар мавжуд. Ўтган йили устувор йўналишларидан бири бўлган оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, касалланишни камайтириш борасидаги ишларни ҳам қониқарли деб бўлмайд.

Соҳа муассасалари фаолиятида мулк сақлашига доир қонун талабларининг ижроси ҳам қониқарсиз аҳволда. Моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазифаларда ишлаётган ходимлар томонидан давлат мулкни талон-тарож қилиш ва ўзлаштириш ҳоллари кенг авж олган. Мурувват ёрдами сифатида ажратилган дори-дармонлардан фойдаланиш ҳам талаб даражасида ташкил этилмаган. Тизимда фаолият кўрсатаётган муассасаларнинг баъзи ходимлари ўз хизмат вазифасига ўта совуққонлик билан қараётгани, шифокорлик қасамига زيد равишда таъмағирлик, поражўрлик билан шуғулланиб келгани ҳам аниқланган.

Мажлисда тиббиёт соҳасидаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, бу борда прокурорлик назоратини янада қучайтириш, тегишли идораларнинг аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

(У.А.)

## Дилдаги гаплар

### «АГАР МЕНГА СўЗ БЕРИШСА...»

**Алишер КАРИМОВ, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Жиззах вилоят касабга уюшма кўмитаси раиси:**

— Маълумки, касабга уюшмалари касб бўйича бирлашишлари тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Мен шу ўринда касабга уюшмалари Низомини ҳамда ўтган съездимизда тасдиқланган профкарта (касабга уюшма харитаси) орасидаги номуносивоблик ҳақида айтмоқчиман. Жойларда айрим тизимдаги касабга уюшмалари профкартада белгиланган уюшмалар таркибида эмас. Масалан, вилоят ер қадастри бошқармаси профкарта бўйича бизнинг тармоқда бўлишига қарамасдан, бошқа тармоқда ҳисобда турибди. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

Тармоқда меҳнат қилувчиларга иш шароитини яхшилаш борасида кўпгина тadbирларни амалга оширяпмиз. Бунда айниқса, банк, молия бошқармалари тизимида ходимларнинг меҳнат шароитларини тобора яхшиланган бормоқда. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида 211 та меҳнат жамоасида жамоа шартномалари тузилди.

**Ҳолида АЛИМОВА, вилоят кўп тармоқли болалар касалликлари шифохонаси бош шифокори:**

— «Соғлом авлод йили»да биз шифокорлар зиммасида алоҳида масъулият турганлигини яхши биламиз. Вилоятимизда болалар касалликлари олдини олиш борасида сўнги йилларда кўпгина ишлар амалга оширилди. Ҳуқумат дастури асосида иш олиб бора эканмиз, бунда мактаб ёшидаги болалар соғлиғига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Болалар гинекологияси бўйича мактабларда тушунтириш ишларини олиб бориш кўпгина касалликларнинг олдини олиш имконини бермоқда.

Жамоамизда 170 нафар ходим меҳнат қилади. Улардан 5 нафари олий тоифали.

## ЙўЛИНГИЗ БЕХАТАР БўЛСИН

Хоразм вилоятининг жанибда жойлашган Саримай кўрғонда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси ишга туширилди. Станция Қорақалпоғистон ва Хоразмни мамлакатнинг марказий вилоятлари билан боғловчи Амударё эстагидаги гавжум автомобил йўли бўйида жойлашган.

«Туямўйинсувқурилиш» трести қурувчилари томонидан барпо этилган техник хизмат кўрсатиш станцияси ҳайдовчиларга қулай жуғрофий жойлашув билангина манзур бўлиб қолаётгани йўқ. Бу ерда ўрнатилган ускуналар инсталланган русумдаги автомобилни тез ва сифатли таъмирлаш имконини беради. Автомобиллар таъмирланаётган пайтда ҳайдовчилар ёнма-ён жойлашган кемпинг ва чойхоналарда ҳордиқ чиқариши ҳамда овқатланиши мумкин.

## РАДИОЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАРИ

Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари радиожурналистларининг «Янгиликлар ва долзарб дastурлар» мавзусидаги халқаро семинар-тренинги иш бошланди. Семинар «Немис тўлкини» радиостанцияси ўқув маркази ва Ўзбекистон журналистларини қайта тайёрлаш Халқаро жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда Конрад Аденауэр жамғармаси ёрдамида ташкил этилган.

Семинар дастуридан жамиятда радионинг турган ўрни, янгиликларни узатиш меъёр ва андозалари, тил ва услуб, матн тузилиши сингари кўпгина масалалар ўрин олган.

Халқаро семинар-тренинги 13 апрелгача давом этади.



Кўхна ва ҳамиша навқирон Кўкон шаҳри ўзининг шоиру, фузалолари, хўнарандлари, дондгор савдогарлари билан мон қозонган.

Муроджон Тошматовни шахарликлар сахий савдогар, қўли енгил табиб сифатида яхши билишадди. Мана, ўн йилдан ошибдики, бу сахий қалб эгаси шахардаги қариялар уйи, 17-мехрибонлик уйига ёрдам бериб келмоқда. Мехрибонлик уйида фаолият кўрсатаётган дастани ҳам ўз ҳомийлигига олган.

**Суратда: М.Тошматов мехрибонлик уйи тарбияланувчилари даврасида.**

**Бахтиёржон ХАМРОКУЛОВ олган сурат.**

## Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилганди

**Шу йил феврал ойида Президентимиз Ислам Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақнуларини ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида айрим тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит беришдан умуман ўзларини четга олаётганлиги ҳақида гапирилганди. Хусусан, «Ғаллабанк»да кредит бериш дастурида кўзда тутилган маблағдан атиги 11 фоиз ажратилгани тилга олинганди.**

Ана шу йиғилиш ўтганига ҳам қарийб икки ой бўлиб қолди. Шу муддат ичида «Ғаллабанк»да, хусусан, унинг жойлардаги бўлимларида бу борда қандай ўзгаришлар бўлди? Банк ходимлари танқиддан тўғри хулоса чиқариб олишдими? Биз шу ва бошқа саволларга жавоб топши ниятида ИХТИСОСлаштирилган ҳиссадорлик-тижорат «Ғаллабанк»нинг ўқув бўлимида бўлдиқ ва унинг иш фаолияти билан яқиндан танишдик.

— Ҳақиқатан ҳам илгарилари биз кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти, уни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳақида кўп га-

лойихаларига берилаётган кредитларга ҳос қаттиқ талаблар қўйиларди. Эндиликда ана шу жараён соддалаштирилди. Яъни кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор микрокредит олиш учун тўрттагина ҳужжатини банкимизга топширсак кифоя. Булар бизнес режа, кредит

ларидан бири Юнусобод туманида жойлашган «Бахт Назир» масъулияти чекланган жамиятидир. У халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаради. «Олой» бозори ичида жойлашганлиги боис ўзининг озик-овқат дўкони, ошонаси бор. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан ҳам шуғул-

ланади. Жамият ўтган йили ўз хизмат доирасини кенгайтириш мақсадида банкдан 5 миллион сўм миқдорда кредит олди. Бунинг ҳисобига бозор ичидаги таъмирланган «Супермаркет»ни халқ истеъмоли моллари билан тўлдирди. Натижада биринчидан, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми кенгайди. Иккинчидан, қўшимча иш жойи юзага келди. Учинчидан, товар айланиши икки баравар қўлайди. Энг муҳими, банкка нақд пул тушури ошди. Бундан тадбиркор ҳам, банк ҳам манфаатдор бўлди. «Бекдўст» масъулияти чекланган жа-

мий эса банкдан 3 миллион сўм кредит олиб ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш билан бир қаторда, маҳсулот тайёрлаш танарҳини 10 фоизга камайтирди.

Банкка миқозларни янада кўпроқ жалб қилиш учун ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётди. Жорий

миқдордаги кредит олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш учун ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётди. Жорий

миқдордаги кредит олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш учун ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётди. Жорий

миқдордаги кредит олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш учун ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётди. Жорий

миқдордаги кредит олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш учун ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётди. Жорий

миқдордаги кредит олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш учун ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётди. Жорий

миқдордаги кредит олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш учун ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётди. Жорий

## КРЕДИТ БЕРИШ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

# ТАШАББУСКОРЛАР КАФИЛИ, СУЯНЧ ТОҒИ — ПРЕЗИДЕНТИМИЗДИР!

## Бухоро

**Халол рақобат муҳитини яратиш, рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан саналади. Мақсадга эришмоқ учун эса энг аввало сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўпайтириш талаб этилади.**

Модмики жаҳон бозорида чикиш ва ундан мустаҳкам ўрин эгаллашни ўз олдимишга мақсад қилиб кўйган эканмиш, бунда чет эл капитали иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги ишларни ҳар жиҳатдан кучайтиришга эътиборни қаратиш лозим. Энди бундай корхоналарни фақат марказий шахарларда эмас, балки чекка туманларда ҳам мумкин қадар кўпроқ барпо этишга тўғри келади. Шу тариқа ишсизлик даражасини нисбатан пасайтириш имкониятлари яратилади, айни вақтда кўплаб янги-янги мулкдорлар фаолият кўрсатиши учун йил очилади.

лайдиган корхонани қисқа фурсатда ишга тушириш мўлжалланаётган бўлса, бошқа бир ерда пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилмоқда. Бошқа бир корхона олдидан куритилган пиёз, сабзи маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Пахта тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган чигит чикитларини ҳам қайта ишлаш имкониятлари яратилмоқда. Ана шу мақсадда россиялик, хитойлик, покстонлик сармоёлдорлар билан шартнома лар имзоланган киришди. Ҳатто керакли асбоб-ускуналар, зарур механизмлар келтирилиб, қайта жиҳозлаш ишлари ҳам жадал

ҳақида гап кўп бўлапти-ю, амалда унинг ихроси суут кечяпти, - деди тадбиркор Ю.Ҳаққулов. - Ўзингиз ўйланг, 60 фоизли устама билан бериладиган имтиёз-ли кредит билан қоматни тиклаб бўладими? Бор фойда олинган кредитнинг фоизини қоплаш учун сарфланапти. Бу кетишда тадбиркорнинг косаси қандай оқарсин?

Туманда айни пайтда 800дан ортиқ тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. 400га яқин фермер хўжаликлари бултур умумий пахта ҳосилнинг 20 фоизини тайёрлашга эришди. «Ғайратли», «Юртим-Ўзбекистон!», «Мурод» фермер жамоаларини бугун вилоят тан олмақда. Аммо, афсуски, йил охирида қарзга чўкиб, ўзини ўнглаб ололмаи синаётган тадбиркорлар ҳам оз эмас.

Туманда 47 фоиз кам ҳосилли ерларнинг асосий қисми фермерлар қўлида. Уларга шунга қарамай жорий йилда 10,5 минг тонна пахта тайёрлаш мажбурияти юклатилган. Аммо ажратилган майдоннинг унумдорлигини ошириш учун етарли маблағ ва техника воситаларининг йўқлиги ишнинг белига тепаётир. Қолаверса, фермер жамоаларига сервис хизмати кўрсатишни ўз ваколатига олган ташкилотлар ишида ҳали анча камчиликлар бор. Туман фермерлар уюшмаси эса ҳозирча қўл остидаги жамоаларни фақат имкон даражасида қўллаяпти, холос.

Шу ўринда топширилган пахта хом ашёси учун тўлов мuddатлари шартнома бандларида аниқ кўрсатилган бўлишига қарамай бу иш номаълум сабабларга кўра кечиктирилганлигини айтиб ўтиш лозим. 1999 йилни кўя тўйралик, ундан олдинги йиллардаги тола пуллари ҳам ханузгача тўла ҳисоб-китоб қилинмаган. Аҳир, шартномада бунинг учун иккинчи томон жарима тўлаши кўрсатилган-ку!

Барибир, охир оқибатда тадбиркорлик ҳаракати кенг қўлч ёйиши мумкин. Чунки ҳалол рақобат майдонига тушган тадбиркорларга албатта омад кулиб боқадди.

**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН, Усмон НАВРҲУЗ, «Ишонч» мухбирлари.**

**Корхонамиз вилоятда тилга тушиб бораётган жамоалардан саналади. Изланиш, тадбиркорона ҳаракат сир-синаотини пухта эгаллашга интилиш, ташаббускорликка кенг йўл очиш эвазига ютуқларимиз кўпайгандан-кўпайиб бораётир.**

Жорий йилда 5100 тонна чигитни қайта ишлаш кўзда тутилган. Ҳозирга қадар 1,5 мингдан ортиқ субъектлар билан шартнома ҳужжатлари имзоланди. Ҳар йилгидан фарқли ўлароқ унда томонлар жавобгарлиги юзасидан аниқ бандлар мавжудлиги барчага манзур бўлапти.

Илгари ёғ маҳсулотини хўжалик қачон маблаг и бўлса оларди. Энди вазият яхшилик томонга қараб ўзгариб бораётир. Жамоалар ихтиёрига ёғ ва бошқа

## МАҲСУЛОТ ТУРИ КўПАЙДИ

маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналаридан эмин-эркин олиш мақсадида махсус транспуллари ажратишнинг йўлга қўйилиши ҳам етиштирувчи, ҳам олувчининг манфаатларига мос тушаётир. Бу эса ҳар ким ўз улушини йил охиригача тўла-тўқис олишига имкон беради. Фақат оқоридан махсус омборига ташиб, ўша ердан халққа тарқатса,

тилса, оз бўлса-да, учраб турган овозгарчилик ҳамда вақтни беҳудада ўтказиш ҳолатларига чек қўйилса, яхши бўларди.

Умумий ишни яхши-

навбат кутишларга ҳожат қолмасди.

Кези келганда айтишим лозимки, Исроил билан бирга тузилган қўшма корхона ва яна 2-3 кўшимча цехлар бар-

реализация қилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 200 миллион сўмга етказилади. Тадбиркорлик ҳаракати туфайли даромадимиз салмоғи кўпайиб бораётир. Натижада ишчи-хизматчиларимизни моддий рағбатлантириш, кўплаб хайрия тадбирларини ўтказиш, меҳнат ишчисини кадрлаш имкониятлари тобора кенгаймоқда. Ҳомийлик асосида Соғлом авлод йилида кўплаб болалар боғчаси, мактабларнинг моддий базасини яхшилашга ҳам эътиборни қаратаёмиш.

**В.АЗИМОВ, «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси.**

## ҲАЛОЛ РАҚОБАТ МУҲИТИ

Юрт шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори ҳамма нарсадан устун қўйилаётган бугунги кунда хорижий сармоядорлар билан ишончли ҳамкор сифатида адолат мезонларига таянган ҳолда шерикчилик қилган ютқизмаслиги равшан. Мавжуд имкониятдан Жондор туманида ҳам оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. - Вазирилар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишдан сўнг туман уранидаги барча корхоналар фаолияти қайта ўрганиб чиқилди. - дейди туман хокими Б.Обидов. - Тадбиркорлар билан ошқора мулоқотлар ўтказилди. Томонларнинг қизиқиши ва интилишлари пухта ўрганилди. Қандайдя малакали мутахассислардан иборат гуруҳ аъзолари қўшма корхоналар хусусида аниқ тўхтамагача келди. «Омад» вино-консерва заводи ҳузурида иккита, тайёрлов идорасида битта, Жондор пахта заводи базасида битта қўшма корхона ташкил этишга киришди.

суръатларда олиб борилаётир.

— Биласизми, бир вақт Италия билан ҳамкорликда курилган томат пастаси тайёрлаш тармоғини тўла қувват билан ишлаши эвазига корхонамизда йилига 25-30 миллион сўмлик қўшимча даромад манбаи яратиш мумкин экан, - дейди «Омад» ҳиссадорлик жамияти раиси Раҳим Пўлатов. - Бунга эса ҳозирдан бошлаб замин ҳозирлашга киришди. Мутахассисларимиз 15-20 кун давомида сабзавот маҳсулотлари етиштириб беришни ўз зиммасига олган субъектлар билан шартнома ҳужжатларини расмийлаштирдилар.

Р.Пўлатов иқтисодий жиҳатдан қатта наф берадиган бир-икки лойиҳа хусусида ҳам тўхталди, гап орасида уларни рўёбга чиқариш осон кечмаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Ва беҳитиёр ўйлаб қолдик. Нега туманда йилига 40-50 та корхона очилапти-ю, 120-130 таси ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлаётир? — Кўллаб-қувватлашлар

**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН, Усмон НАВРҲУЗ, «Ишонч» мухбирлари.**



Воҳа қадим-қадимдан қўлигул ҳунармандлари, зардўзу чеварлари билан оламга машҳур бўлиб келган. Қарийб 1,5 минг кишини бирлаштирган «Бухоро ипаги» жамоасининг довуғи ҳам тобора ошиб бораётир. Муҳими, сифатда силжишлар бор. Ўтган йили соф фойда 2 миллион 530 минг сўмга етди. **Суратда: Илгор пилла ўровчи Адолат Баҳронова ва смена устаси Шарифа Уроқова.**

## Иш билганга минг танга

«Чевар» бугунги кунда Бухоро қоракўли довуғини хорижга кўз-кўз қилаётган корхоналардан бири. Бу ерда қоракўл терисидан аёллар учун пальто тайёрлаш маҳорати пухта ўзлаштирилган. Дастлаб бир турдаги тайёр маҳсулот андозаси мукамал эгаллаб олинган бўлса, эндиликда бош кийимлар, ярим пальто тиқиш ҳам йўлга қўйилди.

## ҲИММАТ

Энг кўп буюртмалар ҳозирча хорижий хонимлардан тушаётганлигини ҳам эслатиб ўтиш ўринли. Кўплаб хайрия тадбирлари, саховатпешалик ва меҳр-муруват кўрсатишни ўзининг бош мақсади деб билган жамоамиз аҳли бултур жуда ҳам савобли бир ишнинг этагини тутди. Дабқўққа кишлоқ ёшлари учун ўйингоҳ қуриб берилди.

Иш билганга минг танга деганларидек иш бўлса керак. Савоб ишга дохиллик боисидан корхона даромади кун сайин ортиб бораётир.

**Бобокул Йўлдошев, «Чевар» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари.**

## Тадбиркор қонун ҳимоясида ОШҚОРА МУЛОҚОТ

**Янгича ишлаш афзалликларини амалда исботлаб, қувончли натижаларни кўлга киритаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бораёпти. Уларнинг орасида мўл-кўлчилик яратиш тўғриси билан элли хушнуд этаётган фермер жамоалари ҳам бор. Ҳозир вилоятда етиштирилаётган пахта, дон ва бошқа турдаги кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг салмоқли қисмини фермерлар етказиб бермоқдалар.**

Эндиликда фермер бўлишни ихтиёр этаётганлар сони янада кўпаймоқда. Уларнинг талаб ва истакларини бажо келтириш, иш жараёнида пайдо бўлаётган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш биринчи галдаги вазифалардан саналади. Ҳаммадан ҳам фермерларнинг ҳуқуқий билимини оширишга бўлган эътибор кучайтирилмоқда. Бунда, одатдагидек, вилоят прокуратураси ташаббускор бўлаётир.

Яқинда М.Торобий номили маданият саройида вилоят фермер хўжаликларининг вакиллари ҳамда прокуратура органлари ходимлари, шунингдек, фермерлар иши билан боғлиқ корхона, ташкилот, муассаса, вилоят кўламинидаги идораларнинг вакиллари иштирокида бўлиб ўтган амалий семинар ҳам фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг талаб ва истакларини бажо келтиришда, баъзи бир тўқиларни бартараф этишда муҳим омил вазифасини ўтайди, албатта.

Семинар - кенгаши вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Юсуф Абдукаримов бошқарди.

Табиийки, эътиборсизлик ва ҳуқуқий саводсизлик туфайли хўжалик ёхуд фермерлар ўртасида, фермерлар ҳамда маҳсулотни қабул қилув-

чилар ўртасида ёхуд фермерлар билан қайта ишлаш корхоналари ўртасида баҳслар, ҳатто баъзан низолар келиб чиқаётир. Айрим ҳолларда иш прокуратура идораларининг аралашувига бориб етаяпти. Шундан сўнггина рўй бераётган қонунсизликларга барҳам берилаётир. Баъзан хўжалик судларининг аралашуви ҳам тўғри келмоқда.

Вилоят тадбиркор банкининг бошқарувчиси Бахтиёр Баҳронов, «Бухорородон» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Баҳодир Бозоров, «Когонё» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Неъмат Шарипов, «Бухоропахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик жамияти раиси И.Норов, «Кимётаъминот» вилоят бирлашмасининг раиси Неъмат Собиров, вилоят «ёнлиғи-мойлаш матери-аллари билан таъминлаш бирлашмасининг раиси Аҳор Шамсиев ва бошқа мутасаддилар фермерларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Семинарда фақат тақриб ва фикр алмашиш, илгор гоёлари тарғиб қилиш билан чекланиб қолмасдан, умумий ишдаги нуқсонларни фош этиш, айтилган танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг таҳлили ва тегишли чораларни кўриш билан жиддий шуғулланиш мавриди этиб келганлиги таъкидланди.

**Ван ЛИХУН, «Хадан» ўзбек-хитой қўшма корхонаси мутахассиси.**

## БОЗОР — ФАРОВОНЛИК КўЗГУСИ

**Бозор — одамнинг ҳожатини чиқарадиган жойдир. Шунинг учун у обод, фаровон, ҳалол манзил бўлиши керак!**

Ҳақиқатан ҳам бозорлар шаҳар кўрки, халқ фаровонлиги кўзгуси ва манфаатлар ўзаро уйғунлашадиган маскан ҳамдир. Шу боис кейинги йилларда хизмат кўрсатиш маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Самоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти нафақат вилоятимиз аҳолисига, балки кўшни Туркменистон, Қозоғистон республикаларидан, шунингдек, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларидан келган деҳқонларга ҳам хизмат кўрсатади. Бозоримиз 9,7 гектар майдонга жойлашган бўлиб, унда 1509 та савдо растаси бор. Мазкур бозор Бухоронинг 2500 йиллиги билан дунёга келган Буюк ипак йўли тасарруфидига «Карвон бозори»дан сўнг иккинчи ўринда туради. Бир кунда 15 мингдан ортиқ киши бу ерга ташриф буюради,

Аксарият деҳқончилик, халқ хунармандчилиги ва тадбиркорлик маҳсулотлари сотилади бозорда.

Ўтган қисқа даврда 360 ўринли 2 та янги сабзавот павилтони қуриб фойдаланишга топширилди, савдо расталари қайта таъмирланди, кўшимча 500 та савдо пештахталари қўйилди. Энг муҳими, биз нафақат харидор, сотувчи учун ҳам савдо ва санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этилишини таъминладик. Қоидабузарларга нисбатан тегишли жазо қўлланапти. Шу мақсадда махсус назорат гуруҳи шанба-якшанба кунлари бозор ҳудудида мунтазам рейд ва текширувлар ўтказмоқда.

Бозор — халқники ва у умумманфаатига хизмат қилиши керак. **Сайфулло ҲИҚМАТОВ, «Самоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти раиси.**

## Бир янгилик меваси

Халқимиз не-не орзумидлар ила XXI асрга пешвоз бораётир. Буюк келажакни, буюк давлатни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчи саналади. Мен ҳам мамлакатимизда бунёдкорлик режалари оғушида яшаётган, қанот қоқаётган миллионлаб хотин-қизлар, бахтиёр оналар қатори яратиш ишқи билра яшамоқдаман.

Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, кам бўлмаётимиз. Даромадларимиз ортгани сайин, турмушимиз ҳам фаровонлашиб бораёпти. Муҳими, Вазирилар

Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишдан сўнг умумий ишнинг ривожига тўсиқ бўлаётган омиллар бартараф этилмоқда. Имтиёзли кредитлар олиш ва кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва

ланган цехда бу ишни кўнгилдагидек, албатта санитари талабларига мос равишда амалга ошириш учун ҳамма имкониятларни муҳайё этганмиз. Изланиш, ташаббускорлик билан

## Тўқислик оиладан бошланади

ишга ёндошиш эвазига маҳсулот турини 32 гилга етказишга муваффақ бўлдик. Маҳсулотларимиз кўпчиликка манзур бўлаётгани бизни илҳомлантираётир. Буни «Ташаббус - 2000» танловининг натижалари

сотишга кенг йўллар очиб қўйилди. Оила аъзоларимиз, кўплаб шоғирдлар билан қандолат ва ширинликлар тайёрлаб, аҳоли дастурхонини безашда ўз улушимизни қўшиб келаяётимиз. Махсус жиҳоз-

деб жавоб бера олмаймиз. Бухородаги Ҳиндистонлик сармоядорлар билан бирга барпо этилган «Гуфик-Авицена», хитойлик тадбиркорлар мадади билан бунёд қилинган «Хадан» қўшма корхоналари ҳақида ҳам ана шундай фикр-муло-

## Холис фикр

# ХОМ АШЁМАС, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

**Ўзбекистон эшиклари хориж сармоядорлари учун кенг очиб қўйилгани, қўшма корхоналар бунёд этиш учун барча имкониятлар яратиб берилаётгани, шундай корхоналар сонини янада оширишга эътибор кучайтирилаётгани ўз самарасини бераёпти.**

Аммо масаланинг яна бир жиҳати бор. Фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг тўла қувват билан ишлаши таъминланаётими? Бу йўналишда кўп яхши ишлар амалга оширилаётир. Афсуски, бу савола ҳамма вақт ҳам «ха-

ҳазаларни билдириш мумкин.

Хом ашё танқислиги ханузгача бартараф этилганича йўқ. Шу боисдан корхона ишчи-хизматчилари баъзан ойлаб асосий юмушларни қўйиб, бошқа ишлар билан банд бўлишга мажбур бўлмоқдалар. Қарс эса икки қўлдан чиқадди. Томонларнинг ишончли ҳамкорлик сари дадил қилинган «Хадан» қўшма корхоналари ҳақида ҳам ана шундай фикр-муло-

«Хадан» қўшма корхонасининг йил давомида бир маромда ишлаши учун 400 тонна пилла хом ашёси талаб этилади. Пилланинг қорпа-чақ, зағатбарак, яъни наввисиз ҳолдагисини қайта ишлашга мўлжаллаб курилган мазкур корхонада 30 киши доимий, 30 киши мавсумий иш билан таъминланган. Эмтоси оқиб-оқидин айтироф этиш керакки, хом ашё таъминотида узилишлар мавжуд. Шу бо-

исдан ҳам корхона йилига 5-6 ой ишлаб, кейин ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлмоқда.

Ҳамон пиллани наряд асосида сотиш давом этаётгани аҳволни зудлик билан ўнглашга имкон бераёпти. Лекин, ўйлаймиш, бу муаммо тез орада ўз ечимини топади. Бунга бизда барча асослар бор. Дастлабки босқичда ярим фабрика шаклида маҳсулот тайёрлаш техно-

логияси ўзлаштирилган бўлса, айни чоғда хом ашёни тайёр маҳсулот тариқасига етказиш устида бош қотираётимиз. Турли хилдаги кийим-кечаклар, газлама-лар, ипак матодан тўқилган бежирим буюмлар бозорларимиз пештахтасини тўлдириб турадиган кунлар узоқ эмас.



2000 йил - Соғлом авлод йили

Миллатнинг чинордек бақувват илдиз отиши, кубъцек жаҳонга нур таратиши учун аввало оилалар мустаҳкам бўлиши керак. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Ҳар қандай қалъа ичкаридан олинади. Демак, биз ичкарини мустаҳкам қилишимиз керак. Бунинг учун ёшлар қалбида юртга садоқат, катталарга ҳурмат, тарихга меҳр, келажакка умид туйғуларини сочишимиз зарур».

Оилалар турмуш тарзи билан жамият тарқиб-қуриши бир-бирига узвий боғлиқ. Оиладаги ноҳушлиқлар, норасо иқлим жамиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Турмуш таъшишларидан чарчаган асабий аёл, касалманд ёки бешош болалар, ёлғиз қариялар, қаровсиз қолган гўдаклар, фарзандлари бўла туриб қариялар уйда кун кечириётган кексалар... бари-бари жамиятнинг ҳам оғриқларидир. Бу оғриқли дард турғунлик йилларида оилада пишиб-етилиб бугун жамиятда ўз аксини қолдиргани ҳам рост.

Мустақиллик шарофати билан оғриқларга мал-ҳам қўйилмоқда. Бобомерос қадриятлар, оила, аёл, фарзандларга эҳтиром қайтди. Хурматли йўлбошимиз «Оилани химоя қилиш - Аёлни, келажакни химоя қилиш» деган истиқлолимизнинг дастлабки қунларидан меҳрибонлик кўрсатдилар. Аммо маънавий кемтиклик, миллий анъаналардан айро ўтган даврлардан қолган асорат оқибатида ҳозир ҳам айрим оилалар бузилиб, фарзандлар ота ёки она меҳрига зор бўлиб

ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

қуришган эди улар. Қизнинг ота-онаси тўйга норизо эди. Лекин... Келин-куёв икки йилда икки фарзандли бўлишди. Келиннинг рўзғор тебратишга, уқуви йўқлиги фарзандли бўлгач, билинди-қолди. Қайнона ориятли аёл эди, рўзғордаги гапнинг «шамоллаши»га йўл қўймади, келиннинг айбини яшириб, фазилатини ошириб яшарди. Ўғли гижимланган шимда жигибийрон бўлиб ишга кетаётганини кўриб эзилса ҳам, келинни койимасди, қизига айтиб акасининг кийимларини

Икки гўдак эса катталарга хайрат билан боқиб дадаларини сўроқлашди. «Даданг ёмон» деди бувилари, «даданг ўлган» деди онаси. Болаларнинг юраги қабарди, ишонимасди уларнинг сўзига. Энди болалар учун тонг оталарининг нурли нигоҳи бўлиб эмас, соғинч, армонга қорилиб отар, қуёш оталаридек меҳрибон, нурафшон бўлса ҳам, улардан узокда эди. Унинг меҳр нурларига исинишардики, ўзига етишолмасди. Болалар ўзлари ёлғиз қолишганда бир-бирларининг пинжига кириб,

Азиз бўлиб таъқиб этади бир ўғлон, Нигора бўлиб йиғлайди бир қизалоқ. Аммо чил-чил синган гўдак кўнгли, дунёда армонга қорилиб яшаётган мажруҳ кўнгли гуноҳи учун ҳеч ким жавобгарликка тортилмайди. Жамиятнинг муҳрланган қонунларидан ташқари ҳаётнинг ёзилмаган ўз қонун-қоидалари бор. Дину иймонда таъқидланадиган, оила ҳам кичик бир мамлакат. Унинг бошлиғи ота ҳисобланади. У оила баркамоллиги, саодатли турмуш, тинч-тотув яшаш учун ҳамisha

ганди. Илмий раҳбаридан бу «янгиликни» эшитиб қалқиб кетди, гўё юрагини ханжар тилди. Отасидан ҳам, унинг хабаркаш жўрасидан ҳам кўнгли қолди, боши эгилди. Учинчи ўғил ҳаётни шоир кўзи билан кўради. Курсдош қизларнинг гўзаллигини ҳаёлида яшириб, шеърлар ёзарди. Аммо отаси... Кенжатоий, иродали йигит эмас эди. Бешафқат ҳаёт оқимига отди ўзини. Нодонлар билан дўст тутишни қамалиб кетди...

Ота эса йиртиққа ямоқ деганларидек яна ўғилни бўлди. Шохларнинг исмини кўйди унга. Ношуд акаларига ўхшамаслигини тилади. Аммо ҳаётнинг бешафқатлигини қарангки, ҳозир ҳам ота ўзини айбисиз сезади, ҳозир ҳам ундан комил, доно одам йўқ. Қайтар дунё деганларидек, ота қўл-оёғи ишламай ётиб қолди. Кўчадан нон еб ўрганган ёш хотин ёшлигини эслаб яна кўчага кетди, эр панохсиз қолди...

Меҳр-оқибатли ажодлар анъаналарига содик, уларнинг урф-одатларини давом эттираётган оилалар жамият устунларидир. Бундай хонадонларда камолга етган фарзандлар Ватани, эл-улусни беҳад севиб, ота-она хоки-пойини кўзга суртгучи, қадриятларимизни ҳурмат қилувчи маънавий баркамол бўлиб Ватан ному шонига, гурурига айландилар.

Амина КОДИРОВА, «Ишонч» мухбири.

АЖДОДЛАР ЙЎЛИ

Ўзбек киноусталарининг «Аждодлар йўли» ҳужжатли фильми Буюк ипак йўли тикланишига бағишланди. У «Достон-фильм» студиясида суратга олинди.

— Фильммиз қаҳрамонлари, турли касбдаги кишилар, - деди «Туркистон-пресс» муҳбирига ушбу асар режиссёри ва оператори Саидботир Аҳмадхўжаев. - Буларнинг аксариёти Андижон - Ўш - Ирқештом - Қашқар автомобиль йўлидан барпо этишда жонбозлик кўрсатаётган андижонлик қурувчилардир. Биз улар ишидаги энг эсда қолари ўринларни, масалан, тунеллар қурилишининг, тоғли ҳудудларда йўл солинишини тасмага туширишга ҳаракат қилдик. Мазкур замонавий автомобил йўлидан ҳар қанча мамлакатимизга турли юклар орасида ускуналар, маиший техника, истеъмол товарлари келтирилади. Шунингдек, бу йўл орқали хоризгга пахта ва мевалар экспорт қилинади.

Халқ ҳўжалиги учун муҳим бўлган ушбу товарларни «ЎзЎртаоциёт-ранс» транспорт компанияси ҳайдовчилари керакли манзилга етказиб берадилар. Улар ҳам «Аждодлар йўли» фильмининг қаҳрамонлари ҳисобланади, таъкидлайди режиссёр.

— Фильмда Буюк ипак йўлининг ўтмиши хусусида ҳам сўзи юритилади, - деди С.Аҳмадхўжаев сўзида давом этиб, - Самарқанд ва Бухоро оралиғида жойлашган Работи Малик деган жойда кўпроқ тўхташга тўғри келди. Бир замонлар бу ердаги машҳур қарвонсарой савдогарлар учун кўналга вазифасини ўтаган экан. Айтиш керакки, кўҳна сардоба ва қарвонсарой ҳозиргача сақланиб қолган. Айни пайтда мутахассислар уни таъмирлашяпти. Бугунги кунда ўтмиш ёдгорликларининг ёнида кемпинглар бунёд этилиб, уларда йўловчилар ҳордиқ чиқаришяпти. Биз ўз фильммиз орқали Буюк ипак йўлининг ўтмишида ва ҳозирги кунда минтақамиз ҳалқлари учун ҳаётий аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилдик, - деди режиссёр.

ажратиш мумкинми? Ахир, уларни ажратадиган бўлсак, қалбларини синдириб қўймаймизми?! Юракларини бўлақламаймизми?!

Оила - боланинг кўз очиб кўрган дунёси. Ана шу мўъжаз даргоҳда у дунёни танийди, яхшилиғи саҳоватни, камолотга етади. Меҳр-муҳаббатни, муомалани, яхшилиғи саҳоватни, бир сўз билан айтганда, ҳаётни оиладан ўрганган. Шунинг учун ҳам болани ёшлиқдан оила қуришга ўргатиш шарт. Бугун оилалар бузилиб, гўдаклар тирик етим қолаётган экан, биринчи навбатда бунга йигит-қизларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги сабаб бўлмоқда. Шундай оилани биланман. Севишиб турмуш

ҳамиша тартибга солиб юрди. Ўғлини кафтида асраса, келинни бошида кўтариб эъозладди. Онахон невараларини «пистанинг мағзи» деб билар, кун бўйи елкасида опичлаб юрса, тунлари эрка келиннатан, қизимни урган қўлларини синдираман», дея дағдаға қилди. Онахон ноумид уйига қайтди. Оиладан ҳаловат кетди. Ўғли маҳаллада, ишонасида ботиб кўтаролмай қолди. Қудалар эша қизимнинг маҳрига тушган деб ҳатто уйни ҳам бузиб, ёғочларини олиб кетишди.

Она ўйлади, ўйлаверди, яна йикитилган уй ўрнига уйлар тикланди, яна тўйлар бўлди бу хонадонда, аммо она қалбидаги армон битмади. Сирли-сирли суҳбат қуришарди. — Бизнинг ҳам дадамиз Бор-а, опажон, - дерди Азизжон ички энтиқиш билан, - ўлмаган-а? — Сенга юз марта айтаман. Ойим жаҳллари чиққанидан шундай дейдилар. Бизнинг шундай яхши дадамиз борки, худди кинода кўрган Алпомишдек, - юзинчи марта уқтирарди Нигора билагонлик билан уқасига. Гўдаклар қалбидаги армон умидга айланарди. Бу армонларга йўғрилиб тонг отади, бу армон юкига эзилиб кун ботади. Ота янги қурган оиласи, янги қурган ўғилчасининг шўхликлари, эркаликлари панони, тўғрироғи, онасининг кўзига қарашга кўрқди. Кейинги ўғил олимлик синови олдидан тур-

масўулдир. «Барчангиз ўз қўл остингиздаги аҳли аёлингиз хусусида маъсулсизлар» деб таъкидланади Ҳадиси шарифда.

Бир отани биланман. Сўзлари бамаъни, олим одам. Маънавият ҳақида сўз кетса, даврадаги турларга гап бермайди. Лекин ўша олим ота тўртта Аллдек ўғилнинг қаддини букиб, ишонасидаги ёшгина жувоннинг уйига кўчиб ўтди. Биринчи - тўнғич ўғилнинг боши эгилди. У уйланган эди. Гулрухсори нозланиб қайнотаси ҳақидаги ғийбатни унга етказди. Йигит уч кун уйдан чиқмади, ёбичишдан, инсон бўлиб туғилганидан ор қилди, тўғрироғи, онасининг кўзига қарашга кўрқди. Кейинги ўғил олимлик синови олдидан тур-

маъсулдир. «Барчангиз ўз қўл остингиздаги аҳли аёлингиз хусусида маъсулсизлар» деб таъкидланади Ҳадиси шарифда. Бир отани биланман. Сўзлари бамаъни, олим одам. Маънавият ҳақида сўз кетса, даврадаги турларга гап бермайди. Лекин ўша олим ота тўртта Аллдек ўғилнинг қаддини букиб, ишонасидаги ёшгина жувоннинг уйига кўчиб ўтди. Биринчи - тўнғич ўғилнинг боши эгилди. У уйланган эди. Гулрухсори нозланиб қайнотаси ҳақидаги ғийбатни унга етказди. Йигит уч кун уйдан чиқмади, ёбичишдан, инсон бўлиб туғилганидан ор қилди, тўғрироғи, онасининг кўзига қарашга кўрқди. Кейинги ўғил олимлик синови олдидан тур-

Бокс

АРТУРНИНГ УЛКАН РЕЖАЛАРИ

Артур Григорян. Бугун уни бутун дунё танийди. Юртимиз довруғини дунёга таратаётган бу мард ўғлонни мамлакатимизда ўзгача меҳр билан севадилар, муҳаббат-ла қадрайдилар. Зотан, Артур шундай эҳтиромга лойиқ инсон.

Хабарингиз бўлса, яқинда Артур Григорян профессионал боксдаги ўн биринчи галабасини қўлга киритганди. Журналистларга берган интервьюсида боксчимиз ўзининг бу галабасини она юрти - озоод Ўзбекистонга, муҳтарам йўлбошимиз Ислам Каримовга бағишлаганини соф ўзбек тилида баён қилди. Артурнинг бу сўзларини эшита туриб, тўғри, қалбим ҳаяжонга тўлди. Ниятим холис экан, Артур яқинда Тошкентга келганида, мулоқотда бўлдим.

— Авваламбор Сизни бу муҳим галаба билан табриклайман. Айтингни, беллашув қандай кечди?

— Раҳмат. Бу галги рақибим италиялик Сандро Казомонико эди. Билсангиз у анчагина кучли боксчи ҳисобланади. Бироқ, барибир, бу сафар ҳам устунлик мен томонда бўлди. Ноқдаун ҳолатига тушган рақибим тўққизинчи раундга келиб, енгилганини тан олди.

— Энди барча муҳлис-ларингизни қизиқтираётган саволга жавоб берсангиз. Яна профессионал боксда қанча жанг ўтказмоқчисиз?

— Ҳали профессионал боксдан кетиш ниятим йўқ. Куч-қувватим етарли, деб ўйлайман. Очигини айтсам, камиди 15 марта чемпионлиқни қўлга

киритишни ният қилганман. — Артур, навбатдаги рақибингиз ҳақида маълумот бера оласизми? Умуман, бўлгуси беллашув қачон ўтказилади?

— Ҳозирча янги рақибим ҳақида ҳеч нарса дея олмайман. Аммо, навбатдаги жангни шу йилнинг июн ойида ўтказиш мўлжалланган.


— Ана шу жангни Тошкентда ўтказсангиз бўлмайми?

— Саволингиз жуда ўринли. Мен Тошкентда, ўз юртимда рақибларим билан курашишни жуда-жуда хоҳлайман. Аммо, ҳозирча маблағ масаласи бу орзунинг ушалишига тўсиқ бўлиб турибди.

— Тошкентда неча кун бўласиз? Умуман, яқин ойлардаги режаларингиз хусусида.

— Она шахрим - Тошкентда апрел ойигача бўламан. Сўнг яна навбатдаги беллашувга тайёрланиш мақсадида Германияга жўнаб кетаман. Ватандошларимга, барча муҳлис-ларим ишончини оқлаш учун, юртим, хурматли Юртбошимиз шарафига қўллаб-қувватлашга эришишни ният қилганман.

— Суҳбатдош: Акбар ЙЎЛДОШЕВ.



Д.АХМАД олган сурат -лавҳа.

МАФТУНКОР ТАБИАТ

Футбол

ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАРНИ СОҒИНДИК

Юз кўнчилиги бир бошчи, деган нақл бор халқимизда. Айниқса, спортда бунинг исботи яққол кўзга ташланади. Ислам Каримов ва иқтидорли устоз қўлида тарбия топган шоғирлар ҳатто орзу қилишга юраклари дов бермаган чўқиларни бирин-кетин забт этишлари аслида шундай. Лоақал, Италияда бўлиб ўтган футбол чемпионатида муқаддам ҳеч кимга номанъул Камерун жамоаси ўзи каби «хаваскор», бироқ гоят тиришқоқ тренер Непомнюший раҳбарлигида жаҳон футбол мутахассислари ва муҳлисларини лол қолдирадиган даражада ўйин намойиш этганлигини бир эслайлик-а!

Биз муқаддимамизни бежизга бундай балан-дарвоз сўзлардан бошлаганимиз йўқ. Мамлакат чемпионатининг навбатдаги — тўртинчи тур учрашувлари натижалари муктасар таҳлилига киришар эканмиз, тўғриси, Тошкентнинг «Трактор» жамоаси тренери Раҳман Хайдаровга ҳавасимиз келиши баробарида унинг топқирлиғига қўйил қолдик ҳам. Ахир икки ўйини алмаштириш ва айнан майдонга янги тушган футболчиларнинг бевосита иштирокида рақиблар дарвозасини икки бор ишғол қилиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди-да!

Шундай қилиб, «Гулистон» жамоаси билан ўзаро баҳсинг биринчи бўлимида 1:0 ҳисобида олдинда бораётган «Трактор» иккинчи бўли-

да таркиб ўзгаришларидан сўнг Акмал Рискўлаев ва Дилшод Урмоновнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида йирик ҳисобда, умуман қаторасига тўртинчи галабани қўлга киритиб, ўзининг қарвонбошлик мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Лекин, адолат юзасидан айтиш лозимки, чемпионат энди бошланди. Қолаверса, «Трактор» барча учрашувларни ўз майдонидан, боз устига нисбатан кучли бўлмаган жамоалар билан ўтказди. Команданинг қандай имкониятга эга эканлигини, ўйлашмики, кейинги тур ўйинлари, хусусан, 8 апрел куни «Пахтакор» стадионидан атоқли жамоа билан бўладиган учрашув кўрсатади. Гарчанд «Пахтакор» мавсумини жуда бўш бошлаган, куни кеча яна бир пешқадам «Насаф» га Қаршида 1:0 ҳисобида ўйинни бой берган бўлса-да, тушунлиқ кайфиятини тез орада кўтаришга эришганига ишонамиз. Бу эса, чемпионатга қизиқиш тур сайин ортиб боради, деганидир.

Муҳлисларнинг хурматини қозонаётган яна бир жамоа, бу шак-шубҳасиз «Насаф» дир. «Ишонч» газетаси муштарийларига яхши маълумки, биз ўтган йил ҳам ушбу командага анчайин умид боғлаб, унга бағишланган саҳифада жамоа ҳақида батафсил хикоя қилган эдик. «Насаф» футболчилари биз улардан кутган натижага бу йил эришсалар, ажаб эмас! Ҳар қалай,

мамлакат жанубида ўзига хос услубга эга бўлган жамоа оёққа туриб олаётгани барчани қувонтирмоқда.

Юқорида зикр этиб ўтганимиздек, мавсум энди бошланди. Бинобарин, футболчиларга бирдангина улкан талаблар қўйсақ, тўғри бўлмайди. Шақлан ва мазмунан кўнглиларни ҳушнуд қилувчи ўйинлар намойишига ҳали эрта эканлигини ҳам яхши тушунамиз. Аммо бир нарсани асло унутмаслигимиз лозим. Бу йил Ливанда миллий тарма жамоамиз Осиё биринчилиги учун майдонга тушади. Яқиний натижа эса кўп жиҳатдан ички чемпионатда учрашувлар қай тарзда кечаётгани, етакчи «чарм тўп» усталаримиз кўрсатаётган ўйин ва мутахассислар таъбири билан айтганда, йилнинг муҳим турнирига улар қандай спорт формасида боришларига боғлиқ. Унга эса ҳозирдан жиддий тайёргарлик кўриш даркор.

1994 йили Осиё ўйинларида тарма жамоамиз эришган оламшумул ютуқ Ўзбекистонда ҳам футбол борлигини, бўлганда ҳам миллионлар дидига мос ва ўзимизгагина хос эканлигини ёддан чиқарганимизча йўқ. Фақат ўшандай ёрқин галабаларни соғиниб қолганлигимизни эслатиб қўймоқчимиз,холос.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Тўртинчи турдан кейинги вазият

Table with columns: Командалар, ў, ю, д, м, т-н, о. Rows include ТРАКТОР, НАСАФ, СУРХОН, ДЎСТЛИК, АНДИЖОН, МЕТАЛЛУРГ, НЕФТЧИ, НАВБАХОР, ЗАРАФШОН, БУХОРО, ҚИЗИЛҚУМ, ТЕМИРЙЎЛЧИ, СЎҒДИЕНА, САМАРҚАНД-Д, СЕМУРҒ, ХОРАЗМ, ТУРОН, ПАХТАКОР, КИМЕҒАР, ГУЛИСТОН.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-83 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Ҳафтасида 2 босма табоқ, умумий аҳли 14.002 нусха. Соғувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.00